

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМАДОВА УМИДАХОН ШАВКАТ ҚИЗИ

ПЕРИФРАЗЛАРНИНГ СОЦИАЛ ХОСЛАНИШИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

УДК: 81'373.612.2.004.14:811.512.133

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ахмадова Умидахон Шавкат кизи

Перифразаларнинг социал хосланиши..... 5

Ахмадова Умидахон Шавкат кизи

Социальное использование перифраз 27

Ahmadova Umidakhon Shavkat kizi

Social adaptation of periphrases 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМАДОВА УМИДАХОН ШАВКАТ ҚИЗИ

ПЕРИФРАЗЛАРНИНГ СОЦИАЛ ХОСЛАНИШИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2019.3.PhD/Fil 934 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абузалова Меҳринисо Кадировна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жуманазарова Гулжаҳон Умирзаковна филология фанлари доктори, доцент Пардаев Азамат Бахронович филология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Карши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил «20» Май соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (50 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» Апрел куни тарқатилди.
(20 21 йил «29» Апрел даги 4 - рақамли реестр баёниномаси).



Д.С. Ўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, филология фанлари
доктори, профессор

Г.И. Тоирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.З. Ражабов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори (DSc),
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фанида лгвопoeтика, социолнгвистика, лнгвокультуроология соҳалари учун ҳамиша етарли материал бера олган, тилшуносликнинг лексик ҳамда стилистик сатҳи оралиғидаги перифразация ҳодисаси алоҳида тадқиқотлар учун манба бўлиб келмоқда. Ҳозирда жаҳон тилшунослигида перифразалар тадқиқига антропоцентриқ, этнолингвистик, прагмалингвистик, психолнгвистик аспектда ёндашувларнинг ривожланиши ҳам шу омил билан боғлиқ. Лисоний имкониятлардан амалий фойдаланишга, нутқнинг бунёдкорлик кучига унинг ниҳоятда ранг-баранг кўринишлари нуқтаи назаридан баҳо беришга, нутқий хусусийликларнинг умумлисоний қонуниятларга қай даражада мос келишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё тилшунослигида перифразалогияни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда уларнинг ҳосил бўлиш йўллари, мавзувий гуруҳлари, семантик-структур турлари, периферик бирикмаларнинг типологик хусусиятлари бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса ҳар бир ижтимоий қатлам нутқида фойдаланишда алоҳидалиқ касб этадиган лнгвомаданий бирлик бўлган перифразаларни нутқни безовчи тасвирий восита сифатида социал ҳосланишини тадқиқ этиш муҳимлиги ва унинг хусусиятларини чуқур ўрганишга имконият яратди.

Мамлакатимизда тил ва халқ маданияти юксалиши янада кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ўзбек тилшунослиги муаммоларини жаҳон тилшунослигида эришилган ютуқлар асосида чуқур ҳал қилишга эътибор ортмоқда. Айниқса, мамлакат халқаро ахборот ҳамжамиятининг интеллектуаллашувида мулоқот этикасини бойитувчи манба саналмиш социал-ижтимоий перифрастик бирликларнинг тил-нутқ-маданият алоқадорлигида ўрганилишига эҳтиёж сезилмоқда. «Истиклол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди»¹. Шу жиҳатдан тил, шахс ва жамият муносабатлари муаммолари ечими сифатида социал перифрастик бирликлар нутқ этикасини бойитувчи манба сифатида миллий тилимизнинг лексик-семантик-функционал хусусиятларини тадқиқ қилиш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

тўғрисидаги 2019 йил 4 октябрдаги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида», 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар таракқиёти устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида перифраза ҳодисаси эътироф этилган ва жиддий ўрганилган ишлар XX асрнинг 50-йилларида юзага келган. Аристотель, Квинтилиан томонидан қайд этилган ушбу ходиса И.З.Ильина, В.П.Уткина, Ш. Балли, В.Г.Костомаров, В.Н.Телия, Ю.Н.Караулов, А.Б.Новиков, Н.Д.Арутюнова, Ю.А.Бельчиков, Е.А.Земская, О.П.Ермакова, Л.П.Крысин, Д.Б.Гудков, Ф.Б.Альбрехт, Г.Я.Солганик, Т.И.Бытева, В.П.Москвин, Н.И.Клушина, А.Н.Баранов, Д.О.Добровольский, О.С.Иссерс, М.Н.Кожин, Л.В.Грехнёва, О.Н.Паршина кабиларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган².

² Ильина И.З. Перифраз и его стилистические функции в произведениях английской художественной литературы. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 1954. – С. 24.; Уткина В.П. Перифрастический оборот в русской художественной литературе // Известия Крымского педагогического института им. М.В. Фрунзе. Симферополь, 1959. Т. 33, Вып. 1. – С. 87-109.; Балли Ш. Французская стилистика. – Москва: Эдиториал УРСС, 2001. – С. 392.; Костомаров В.Г. Языковой вкус эпохи: из наблюдений над речевой практикой массовой медиа. – СПб: Златоуст, 1999. – С.319.; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Языки русской культуры, 1996. – С. 286.; Караулов Ю.Н. От грамматики текста к когнитивной теории дискурса. – Москва, 1989. – С. 5-11.; Новиков А.Б. Словарь перифраз русского языка (на материале газетной публицистики). – Москва: Рус.яз., 2004. – С.352.; Арутюнова Н.Д. Номинация, референция, значение. – Москва: Наука, 1977. – С. 188-206.; Бельчиков Ю.А. Перифраза. – Москва: Большая русская энциклопедия, 1997.; Земская Е.А. Языковая игра. Русская разговорная речь: Фонетика. Морфология. Лексика. Жест. – М., 1983. – С. 172-214.; Ермакова О.П. Лексические значения производных слов в русском языке. – Москва: Изд-во «Рус. яз.», 1984. – С. 152.; Крысин Л.П. Современный русский язык. Лексическая семантика. Лексикология. Фразеология. Лексикография. – Москва: Изд. центр «Академия», 2007. – С. 240.; Гудков Д.Б. Прецедентное имя и проблемы прецедентности. – Москва: Изд-во МГУ, 1999. – С. 152.; Альбрехт Ф.Б. Проблема определения и описания единиц зоны лексико-фразеологической переходности // Филол. науки. - № 3. - 2001. – С. 66-73.; Солганик Г.Я. Практическая стилистика русского языка. – Москва: Изд. центр «Академия», 2006. – С. 304.; Бытева Т.И. Основы лингвистической теории перифразы – Красноярск: 2004. – С. 210.; Москвин В.П. О разновидностях перифразы // Русский язык в школе. № 1. 2001. – С.72-78.; Клушина Н.И. Стилистика публицистической речи. – Москва: МедиаМир, 2008. – С. 244.; Баранов А.Н. Аспекты теории фразеологии. – Москва: Знак, 2008. – С. 656.; Добровольский Д.О. Ассоциативный фразеологический словарь русского языка. – Москва: Изд-во «Помовский и партнеры», 1994. – С. 116.; Иссерс О.С. Коммуникативные стратегии и тактики русской речи. – Москва: Изд-во ЛКИ, 2008. – С. 288 с.; Кожин А.Н. Перифраза как стилистическое средство публицистической речи. – Москва:, 1964. – С. 48-65.; Грехнёва Л.В. Перифраза и смежные лингвистические явления. Новгород, 1997. – С. 131-138.; Паршина О.Н. Российская политическая речь: теория и практика. – Москва: Книжный дом «Либроком», 2012. – С. 232.

Рус тилшунослигида бир қатор лингвистик луғатлар³да перифразаларга маълум бир бирикма сифатида қаралган. Шунингдек, муайян ижодкорларнинг бадиий, публицистик асарлари нутқидаги перифразаларни ажратишга бағишланган⁴, халқ тилининг маълум бир даври билан боғлиқ перифразалар тадқиқи⁵, матбуот нутқи⁶, шунингдек, рус тилидаги перифразаларни бошқа тиллар, жумладан, инглиз, француз, украин, беларус тиллари билан типологик характерда ўрганган илмий тадқиқот ишлари⁷ ҳам мавжуд.

Ўзбек тилшунослигида Р.Қўнғуровнинг «Ўзбек тилининг тасвирий воситалари» (1977) китобида умумий тарзда ўрганилган. Э.Бегматов, И.Йўлдошев, Р.Расулов, С.Мухаммедовалар ҳамкорлигида яратилган «Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1997)да перифраза атамаси тасвирий восита сифатида изоҳланди⁸. С.Каримов перифразаларни «образли синонимлар» деб атайдиган ва бу борада замонавий хитой стилистикаси тадқиқотчиси В.Горелов фикри⁹га таянади. С.Мамажонов, Т.Расулов, Э.Ибрагимова, Б.Ўринбоев, Р.Нормуродов, Ҳ.Шамсиддинов, Д.Айтбоев¹⁰ мақолаларида ҳам перифразаларга тасвирийлик нуқтаи назаридан ёндашилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, яна бир қатор ўзбек тилшунослари А.Рустамов, М.Содиқова, Б.Йўлдошев, Ш.Шоабдурахмонов, Л.Шукуров, М.Тўйчиев, Т.Жўраев, Р.Сувонова, Д.Ўринбоева, А.Пардаевлар ҳам тасвирий воситаларнинг муайян

³ Перифраз //Словарь литературоведческих терминов / Ред.-сост.: Л.И.Тимофеев и С.В.Тураев. – Москва: Просвещение, 1974. – 509 с. – С. 267.; Новиков А.Б. Словарь перифраз русского языка. – Москва: Русский язык, 1999. – С. 224; Перифраз(а) // Литературная энциклопедия терминов и понятий/ Под ред. А.Н.Николюкина. – Москва: Интелвак, 2001. – С. 741.

⁴ Соловьева В.С. Система перифраз в романе А.С.Пушкина «Евгений Онегин» (структурно-функциональный аспект). Автореф. дисс. ...д-ра. филол. наук. – Москва, 1995. – С. 36.

⁵ Дмитриева Н.Л. Жанровое своеобразие использования приема вторичной номинации в произведениях французской литературы XVII века: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Либрком, 1986. – С. 21; Комарова С.И. Функционирование перифразы в эпистолярном стиле второй половины XVIII века: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Днепрпетровск, 1990. – С. 18; Грехнева Л.В. Перифраза как лингвистическое явление (на материале русского литературного языка конца XVIII - начала XIX в.): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 1999. – С. 20.

⁶ Вовчок Д.П. Типы и функции словосочетания метафорического характера в современной газете: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1974. – С. 18.

⁷ Моложай Г.Н. Перифразы в беларусском литературном языке (структурно-семантическая и стилистическая характеристики): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Минск, 1971. – С. 22; Кобылянский И.Ю. Перифраз как функционально-семантическая единица речи (на материале современной украинской советской прозы, поэзии и публицистики): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ужгород, 1986. – С. 18; Базарская Н.И. Вторичная номинация в системе языковых знаков (на материале перифраз английского и русского языков): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Саратов, 1988. – С. 13; Мец В.Л. Повторно-перифрастическая номинация в связном тексте (на материале современного французского языка): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Киев, 1989. – С. 183.

⁸ Бегматов Э., Йўлдошев И., Расулов Р., Мухаммедова С. Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 142.

⁹ Горелов В.И. Стилистика современного китайского языка. – Москва, 1979. – С. 159.

¹⁰ Мамажонов С. Услуг, образ, тасвирий воситалар // Шарқ юлдузи. 1969. - № 6. – Б. 8-10.; Расулов Т. Бадиий образ ва образли тасвирий воситалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1965. -№ 5. – Б. 5-13.; Ўринбоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 32-33.; Нормуродов Р. Перифразанинг эвфемик йўл билан ҳосил бўлиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. -№ 2. – Б. 76-78.; Шамсиддинов Ҳ. Перифраза хусусида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1993. -№ 4. – Б. 29-35.; Айтбоев Д. Ўринбой билдирган перифразаларда мотивлашув // Тил ва адабиёт таълими. 2006. -№ 4. – Б. 19-22.; Айтбоев Д. Конкрет шахсларни англлатувчи перифразаларда мотивлашув // Тил ва адабиёт таълими. 2007. - № 4. – Б. 34-39.; Айтбоев Д. Сарлавҳада перифразалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. - № 4. – Б. 65-68.

қирраларини ўрганиб, асосан, перифразаларнинг умумий хусусиятларини айтиб ўтиш билан чегараланганлар. И.Умировнинг «Ўзбек тили перифразалари» (1996) номли тадқиқот иши¹¹да перифразаларнинг тил ва нутққа бўлган муносабати монографик планда ўрганилган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ўзбек перифразаларини ўрганиш жараёнида унинг социал хосланиши муаммосини алоҳида парадигма қонуниятлари асосида монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» (2016-2021 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп функцияли ҳодиса саналган перифразация моҳиятини тил ва нутқ фарқланишида очиб бериш ҳамда лексик-семантик, услубий-функционал, ижтимоий-касбий, миллий-этник, этносоциал, лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

перифразанинг стилистик қурилма сифатида уч аъзоли тузилишга эга мураккаб ҳодиса эканлигини изоҳлаш;

олам лисоний манзарасини номлашдаги ўрни беқиёс бўлган перифразаларнинг мулоқотни образли ифодалар билан амалга оширилишини таъмин этувчи асосий тасвир воситаларидан бири сифатида маълум жиҳатлари билан ўзига ўхшаш – ёндош ҳодисалар билан муносабатини очиб бериш;

ўзбек тили социал перифразалари учун хос бўлган материалларни тўплаш, мавзувий гуруҳларини белгилаш;

перифразаларни миллий-этник хусусиятларига кўра мавзувий гуруҳларини таснифлаш;

жинс белгисига кўра фарқланишларини белгилаш;

ўзбек тили социал перифрастик бирликларининг киши ёшига кўра фарқланишини кузатиш;

ўзбек тили социал перифразаларининг ижтимоий касбий таснифга кўра турлари лисоний хусусиятларини очиб бериш;

ўзбек тили социал перифразаларининг қисқача изоҳли луғатини яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари нутқида қўлланиладиган перифразалар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини социал перифраза турлари, перифразанинг ижтимоий-касбий, миллий-этник, услубий-функционал, лингвокультурологик хусусиятлари ташкил этади.

¹¹ Умиров И. Ўзбек тили перифразалари. Филол.ф.номз.дисс.автореф.: – Тошкент, 1996. – 23 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, синхрон таҳлил, компонент таҳлил, этнолингвистик таҳлил, тизимли, контекстуал ва социологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилида этник ҳамда социал перифразаларнинг контекстуал қўлланилиши, касбий фарқланиши, мулоқотда сўзловчи ва тингловчи нутқининг эшитимлилиқ даражаси, руҳий ҳолат билан боғлиқлиги ижтимоий, лингвокультурологик, психоллингвистик аспектда асослаб берилган;

перифразанинг номинатив маълумот бериш хусусиятига эгаллиги, стилистик қурилма сифатида – перифразаланаётган сўз, перифразалаётган компонент, перифразаланган уч аъзоли таркибий қисмлари лингвистик далилланган;

социал-ижтимоий перифрастик бирликларнинг мулоқот этикасини бойитувчи манба эканлиги, мамлакат халқаро ахборот ҳамжамиятининг интеллектуаллашувида, социолектлар, профессиолектлар нутқини тўлдиришда ижтимоий роль, мавқе, вазият каби нутқий омиллари аниқланган;

перифрастик бирликлар кўмагида нутқ одоби, муомала маданияти юксалиши, нутқнинг ранг-баранглиги, таъсирчанлиги, бадийлигини таъминловчи услубий восита эканлиги, ижтимоий-касбий, миллий-этник, гендер, социал қатлам ва ёшга оид хусусияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

перифразаларни вужудга келтирадиган омиллар сифатида тасвирийлик; образлилик; нутқни қайтариқлардан сақлаш; баҳолаш; шахсни ифодалаш хусусиятлари ҳамда дифференциал белгилари лингвопрагматик ёндашув асосида далилланган;

социал перифразаларнинг лексик-семантик, услубий-функционал, лексикографик, этносоциал, гендер хусусиятларини ёритиш билан боғлиқ хулосалар ҳозирги давр ўзбек тилшунослиги ривожини учун самарали бўлган илмий ёндашувларнинг юзага келишига хизмат қилиши аниқланган;

бадий адабиёт ва оммавий ахборот воситалари материаллари асосида тўпланган перифрастик воситалар ўзбек луғатшунослиги таркибини бойитишга ва жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари мулоқот маданиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши амалиётда аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, синхрон таҳлил, компонент таҳлил, этнолингвистик таҳлил, тизимли, контекстуал ва социологик таҳлил усуллар воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти социал перифразаларни белгилаш юзасидан билдирилган назарий хулосалардан, уларнинг илмий таҳлилларидан ўзбек тили

семасиологияси, лексикологияси ва услубшунослигига оид изланишларда; дарслик ҳамда қўлланмалар яратишда; этнографик, этнолингвистик тадқиқотларда табиатига дахлдор масалаларни тадқиқ этишда назарий манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан олий ўқув юртларининг ўзбек филологияси йўналишларида «Ҳозирги ўзбек тили», «Лингвомаданиятшунослик» ва «Нутқ маданияти» курси дастур ва дарсликлариде лексикологияга доир мавзуларни режалаштириш ҳамда баён этишда манба вазифасини ўташи, ўзбек тилининг илмий-назарий ва амалий маълумотларини ўзида жамлаган Ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш учун муҳим манба ва маҳсулот сифатида ўзбек перифрастик бирликлар луғатини тузиш имкониятини яратиши, ўқув қўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилида перифразаларнинг социал хосланишини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

перифразаларнинг нутқий-психологик, руҳий, ҳиссий хусусиятлари тавсифи масалаларини ёритиш каби хулосалардан А-1-39 рақамли «Ўзбек амалий психоллингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» номли амалий лойиҳада (2014-2017 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-4503-сонли маълумотномаси). Натижада кундалик мулоқотда сўзловчи нутқининг эшитимлилигини ҳамда тингловчи руҳий ҳолати ва унинг диққатини тортишда перифразалар ўрни масалаларининг ижтимоий, лингвомаданий, психоллингвистик хусусиятларини аниқлашда фойдаланилган;

жамият аъзолари нутқида перифразанинг контекстуал қўлланиши, социал перифразация ҳосил қилишнинг этнолингвистик, лингвомаданий омиллар билан боғлиқ илмий натижа ва таҳлилларидан ИТД-1-57 рақамли «Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш» лойиҳасида (2012-2014 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-4503-сонли маълумотномаси). Натижада ижтимоий қатлам тилида қўлланадиган перифразалар нутқнинг таъсирчанлиги, бадиийлигини таъминловчи услубий восита эканлиги, ижтимоий-касбий, миллий-этник, гендер, ёшга оид хусусияти табиатини тавсифлаш масалаларини кўриб чиқишда зарурий илмий манба бўлиб хизмат қилган;

социал-ижтимоий перифрастик бирликларнинг мулоқот этикасини бойитувчи манба эканлиги, мамлакат халқаро ахборот ҳамжамиятининг интеллектуаллашувида тутган ўрнини белгилаш каби илмий қарашлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O`zbekiston» телерадиоканалининг «Қорачик», «Ижод маҳсули» дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 3 ноябрдаги 01-13-1043-сонли маълумотномаси). Натижада мамлакат халқаро ахборот ҳамжамиятининг

интеллектуаллашувида, социолектлар, профессиолектлар нуткини бойитишда ижтимоий роль, мавқе, вазият каби нутқий омилларни аниқлашга эришилган;

Ўзбек тилидаги перифразаларнинг социал хосланиши тавсифи асосида олий таълим тизими 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (Ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналиши, 5A120102-Лингвистика (Ўзбек тилшунослиги) мутахассислиги магистрантлари, соҳа мутахассислари ҳамда перифразалар прагматикаси билан қизиқувчиларга мўлжаллаб «Ўзбек тили социал перифразаларининг қисқача изоҳли луғати» (ISBN 978-9943-6588-6-8) нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-4503-сонли маълумотномаси). Натижада йиғилган материаллар асосида ўзбек тилида мавжуд перифразаларнинг ижтимоий-қасбий, миллий-этник, гендер, социал қатлам ва ёшга оид хусусиятларини ўзида мужассам этган перифрастик ифодаларни қамраб олувчи ҳамда ўзбек лексикографияси фондини тўлдиришга хизмат қиладиган луғат яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, 2 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган. Scopus базасидаги журналда 1 та мақола чоп этирилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Перифрастик номлашнинг назарий асослари**» деб номланиб, илк фасли перифраза атамаси ва унинг номлашдаги ўрни масаласига бағишланади. Бу фасл илмий адабиётларда перифразанинг нутқдаги ижтимоий, психологик ва эстетик аҳамияти хусусида тилшунос олимлар келтирган турлича таърифлар асосида шакллантирилган. Жумладан, антик давр муаллифлари томонидан муқаддас китобларда истифода этилаётган перифрастик бирликлар қадимги тил ва услубият назариётчилари Аристотель, Квинтилиан томонидан қайд этилганлиги, бундан ташқари,

маҳаллий ва шарқий славян тилшунослигининг ҳам диққат марказида бўлганлиги, илм-фан тўла ривожланмаган даврлардан бошлаб ушбу атама талқин қилинганлиги далилланган.

Биринчилардан бўлиб В.П.Григорьев тадқиқотларида перифраза сўз-образ-денотат муносабатлари нуқтаи назаридан лингвистик бирлик сифатида¹²; экспрессив хусусиятлари, услубий фигуралар ва троплар тизимидаги ўрни С.Я.Макарова кузатишларида¹³ таҳлили этилган. Перифраза ҳодисаси Ю.Д.Апресяннинг талқинида стилистик приём сифатида¹⁴; И.Р.Галперин қарашларида бир предметнинг маълум бир хусусиятини кўрсатиш учун уни бошқа ном билан аташ воситаси¹⁵ кўринишида; И.В.Арнольд талқинида предмет номининг ўрнида унинг асосий хусусиятларини ифодаловчи бўёқдор сўз бирикмаси сифатида¹⁶; А.Н.Кожин тадқиқотларида ҳодисанинг иккинчи номи сифатида изоҳланади¹⁷.

XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб перифразалар тадқиқига қизиқиш янада кучайди ва бунда ҳодисанинг ҳосил бўлиш йўллари, мавзувий гуруҳлари, семантик-структур турлари, периферик бирикмаларнинг типологик тадқиқи, муайян ижодкор асарларида қўлланилган перифразалар, диний матнларда перифразаланган бирикмалар тадқиқига алоҳида урғу берилди.

Умуман, дунё тилшунослигида перифразалар талқинига бағишланган жуда кўплаб монографик тадқиқотлар олиб борилган, барча изланишларда бу атама «перифрас», «перифразис», «перифрасис», «перифраза» «парафраз», «парафразис» каби фонетик ҳодисаларнинг вариантлашуви асосида изоҳланганлигига гувоҳ бўлдик. Илмий адабиётларда бу ҳодисага турлича таърифлар берилганки, бу перифразанинг кўп аспекти, ўзгарувчан табиатли эканлигидан дарак беради. Бундан ташқари, бу атаманинг хорижий луғатлардаги турлича талқини, уларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари хусусида ҳам баҳс юритилган. Перифраза, аслида, грекча сўз бўлиб (paraphrasis), у лингвистикада, жумладан, ўзбек тилшунослигида «тасвирий ифода» маъносида қўлланилмоқда. Қайд этиш керакки, тадқиқ этилаётган ҳодисанинг таснифи ўзбек тилшунослари эътиборидан ҳам четда қолмаган. Лексикограф О.С.Ахманова таҳрири остида нашр қилинган лингвистик қомусий луғатда перифразага «бирор сўзни (баъзи предметларнинг сўзлар орқали оддий ифодаланишини) тасвирий ифода билан алмаштиришдан иборат бўлган кўчим»¹⁸ деган изоҳ келтирилган. Ўзбек тилшунослигида кўчим тури сифатида перифразани ўқув қўлланмаларига олиб кирган

¹² Григорьев В.П. К проблеме перифразы // Сб. докл. и сообщений лингвистического общества. – Калинин, 1974. – С.158.

¹³ Макарова С.Я. Перифраза в современном русском литературном языке (на материале газет) // Содержание и методика преподавания русского языка в средней и высшей школе: Материалы XV науч.-метод. конф. Поволжья. – Волгоград, 1972. – С. 55-58.

¹⁴ Апресян Ю.Д. Синонимические средства языка и правила перифразирования. // Русский язык в национальной школе, 1972, № 3, 19-27. 55.

¹⁵ Galperin I.R. Stylistics / I.R. Galperin. – Moscow: Higher School Publishing House, 1971. – 343 p.

¹⁶ Арнольд, И. В. Семантика. Стилистика. Интертекстуальность // – СПб.: Изд-во. – С.Петербург, 1999. – 444 с.

¹⁷ Кожин А.Н. Перифрастические построения в языке советской эпохи // Рус. яз. в шк. 1977. – № 4. – С. 89-94.

¹⁸ Лингвистический энциклопедический словарь /под ред. О.С.Ахмановой. –2-е изд., стер. – Москва: УРСС, 2004. – С. 312.

тилшунос олим Р.Қўнғуров ўзининг 1983 йилда нашр этилган «Ўзбек тили стилистикаси» кўлланмасида «...кишиларнинг отларини ёки бошқа предметларнинг номини тўғридан-тўғри гапирмасдан, уларни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар воситасида баён қилиш перифраз дейилади»¹⁹ дея таърифлайди. А.Ҳожиёвнинг «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати»да куйидагича изоҳ келтирилган: «Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодалайдиган стилистик приём»²⁰. И.Э.Умиров ўзининг «Ўзбек тили перифразалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўзбек тили перифразаларини илк марта монографик планда илмий-назарий жиҳатдан атрофлича ўрганди. Тадқиқотда перифразаларга, асосан, нутқий ҳодиса сифатида ёндашилди. Олим ўзи ажратган турларнинг табиати, моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. С.А.Каримов перифразаларни кўлланишига кўра икки турга ажратади: «...перифразларда ҳам икки аъзо – субъект ва объект мавжуд. Лекин ўзига ҳослик ва нозиклик шундаки, стилистик қийматига кўра бу икки жиҳат бир-бирига тенг эмас, экспрессивлик ҳам, эмоционаллик ҳам иккинчи компонентда»²¹ дея ўз фикрини асослайди. Бундан ташқари, бир неча тилшунослар мақолаларида ҳам перифразалар тасвирий воситалар сифатида таҳлилга тортилиб, уларга бадиийлик нуқтаи назаридан ёндашилган ва айрим умумий маълумотлар келтириб ўтилган.

Умуман олганда, жаҳон лингвистикасида, жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам бирмунча асосли, фактик қарашлар илмий асосланган ва далилий ашёлар асосида ўрганилган перифразалар нутқимизнинг кўркам, жозибадор, оҳангдор бўлишини таъминлайдики, уларсиз фикримизни таъсирчан, тасвирий ифода этиш қийин. Зеро, оламнинг лисоний манзарасини номлашдаги ўрни беқиёс бўлган перифразалар мулоқотни образли ифодалар билан амалга оширилишини таъмин этувчи асосий тасвир воситаларидандир.

Иккинчи фасл перифразаларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати тадқиқига бағишланиб, бунда перифраза ва сўз, перифраза ва сўз бирикмаси, перифраза ва гап, перифраза ва фразеологик бирликларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонлари ҳақида фикр боради. Перифраза – мураккаб табиатли ҳодиса. Гарчи у аташ хусусиятига кўра сўз варианты (мантқиқий маънодоши) ёки муайян лексема парадигмасида турувчи ҳосила ҳисобланса-да, тузилиш хусусияти ҳамда тушунча, воқеа-ҳодиса, белги, шахс ёки нарсани образли ифодалашига қараб, шунингдек, таркиби бирдан ортиқ сўздан иборатлигига кўра сўз таърифига мос келмайди (перифразаларда сўзлардаги каби кўпмаънолилиқ хусусияти ҳам мавжуд эмас). Перифраза кўп функцияли ҳодиса сифатида матндаги сўзларни алмаштира олади, муайян бирликни бир вақтнинг ўзида номлайди, объектни тавсифлайди ва, кўпинча, уни баҳолайди. Демак, перифраза номловчи, характерловчи, тавсифловчи, шунингдек, баҳоловчи номинация сифатида нафақат объект ҳақида, балки номинация мавзуси ҳақида

¹⁹ Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 148.

²⁰ Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 67-б.

²¹ Каримов С.А. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994. – Б.31.

хам маълумот бериш хусусиятига эга. Шу боисдан унга тугал таъриф бериш, тилнинг муайян сатҳи доирасидагина тадқиқ этиш ёки ҳозиргача ўрганилган бошқа нутқий ҳодисалар сирасига киритиш, шу асосда перифразанинг концептуал ўзагини белгилаш ва ягона таснифини бериш мушкул. Айтиш жоизки, перифраза уч аъзоли тузилишга эга бўлиб, унинг биринчи, энг муҳим аъзоси номинатив сўз – номинант, перифразаланаётган сўз. Иккинчи аъзо – бу перифразалаётган компонент; учинчи компонент – бу перифразаланган таркибий қисм. Унинг тузилиш моделини қуйидагича бериш мумкин: *мўйна* (номинант) – *юмшоқ* (перифразалаётган компонент) – *олтин* (перифразаланган қисм). Уч компонентли тузилишга эга перифразаларнинг умумлашма образини қуйидаги чизмада бериш ўринли (Қаранг: 1.1-расм).



1.1-расм. Перифразаларнинг уч компонентли умумлашма образи

Перифраза ҳам шаклан, ҳам мантиқан мураккаб табиатли ҳодиса эканлигини, у аташ хусусиятига кўра мустақил маъноли сўзга яқин турса-да, лексема таърифига сиғмаслигини юқорида таъкидладик. Айтиш жоизки, перифраза тузилиш хусусияти ёки таркибида бирдан ортиқ сўзнинг синтактик алоқага киришувига кўра сўз бирикмасига яқин туради. Перифразаларни, одатда, турғун сўз бирикмаси қолипида ўрганамиз. Бундай бирикмаларнинг синтактик шаклланиши муайян тушунчаларнинг нутқдаги таъсирчанлигини ошириш мақсади билан бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, *олтин чашма*, *хонадон бекаси* перифразалари *сут*, ёки *хотин* тарзида тилимизнинг луғат таркибида мавжуд бўлган сўзларнинг нутқда бошқача номлар билан айтилиб, мазмуний салмоғига кўра таъсирчанлигини ошириш мақсадида хизмат қилишини кўрамыз. Перифразалар маъноси бир тушунчага асосланса ҳам, унда прагматик сема бўлиши шарт. Масалан, *хонадон бекаси* ёки *гўзаллик тимсоли* перифразаси *аёл* маъносини билдириш баробарида унинг оиладаги мавқеи, шунингдек, хусн-латофатини ҳам ифода этади. Бундай вазиятлар ҳар қандай перифразада ҳам кузатилади. Перифраза, одатда, муайян тушунчани ифодалайди. Сўз бирикмасида эса бирдан ортиқ тушунча муносабатга киришган ҳолда воқеланади. Перифразанинг асосида ифодали тасвирлаш орқали мантиқий боғланиш қонуниятини ётса, сўз бирикмасининг юзага келишига тобе ҳамда ҳоким лексемаларнинг бирикувини тартибга солувчи лисоний синтактик қолип асос бўлади. Таркиби шаклан сўз бирикмасига ўхшаса-да, уларнинг тушунча ифодалаш хусусияти бу ўхшашликни бир парадигмага киритиш имконини бермайди.

Синтактик тугалланганлик – гапнинг кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланганлиги ва тугал оҳангга эгалиги билан характерланишини инобатга олсак, перифразаларда гапга хос хусусиятлар айнан эмаслигига амин бўламиз. Бу борада С.Э.Шодиевнинг «Парафразалар ва уларнинг деривацион

хусусиятлари» мавзусидаги мақоласи фикримизни қисман бўлса-да тўлдиради. Тилшунос «...парафразалар синтактик деривацияси гап деривацияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган таянч структураларсиз воқеланиши» лозимлиги ҳақида фикр билдириб, гап деривациясини қуйидагича изоҳлайди. «Гап қолипидаги парафраза синтактик деривацияси таянч структурага, таянч структура эса туб структурага асосланади. Гап қолипидаги парафразалар деривацияси эса ҳар доим ҳосила (дериват) структурасини тақозо этади. Масалан: Мавлавий Муқимийга назар ташлади.


Назар ташлади – туб структура.

Мавлавий назар ташлади – таянч структура.

Мавлавий Муқимийга назар ташлади – дериват (ҳосила) структура»²².

Кўринадики, перифраза синтактик деривацияси ўзининг тайёр ҳолдаги дериват (ҳосила) эканлиги билан гап деривациясидан тубдан фарқ қилади. Ҳосила структурасида ҳам шаклан гапга тенг бўлган перифразанинг оралик ҳодиса сифатида изоҳланганлигига амин бўлдик.

Бизнингча, перифразаларни фразеологик бирлик, деб ҳисоблаш ҳам ёки уларни ибораларнинг алоҳида кўриниши сифатида талқин этиш ҳам моҳиятга бирёқлама ёндашиш оқибатидир. Чунки ибора тил бирлиги бўлмиш фраземанинг нутқий ҳосиласи бўлса, перифраза (тасвирий ифода) жамият аъзолари нутқида яратилиб (оммалашиб), тил сатҳига кирган бирликдир (Қаранг: 1.2-расм).



1.2-расм. Перифраза ва иборанинг тил сатҳидаги ўрни тасвири

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ибора ва перифраза айнан бир турдаги ҳодиса бўлмаса-да, улар ҳамиша ўзаро таъсирда бўлади. Яъни баъзи фразеологик бирликларнинг юзага келишида перифраза (*ишиқ мулкига султон бўлгудек* иборасининг яратилишига *ғазал мулкининг султони* перифразаси тўртки бўлган ва ҳоказо), худди шунингдек, айрим перифразаларнинг яратилишида ибораларнинг таъсири (масалан, *адолатни асо қилган* ибораси *адолат посбонлари* перифразасининг юзага келиши билан алоқадор) сезилиб туради.

Перифразанинг образли кўчим эканлигини инобатга олсак, кўчим асосида шакллантирилган перифразалар ҳамиша нутқимизни безашга хизмат

²² Шодиев С.Э. Парафразалар ва уларнинг деривацион хусусиятлари// Хорижий филология. 2017, № 2. – Б. 246-250.

қилиши янада ойдинлашади. Образли воситалар асосида шаклланган перифразалар нарса, ҳодиса, тушунчаларни бошқа предметга нисбат бериб тасвирлайди. Жумладан, *Қора хоним тахтдан тушди, болалари югуриб келди* (қозон ва товоқ, идишлар) топишмоғида «қора хоним» шартли перифразаси қозонга нисбатан, «қора хоним болалари» эса идиш-товоқларга нисбатан ишлатилган.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, метафора, антономазия, аллюзия, эвфемизм кабилар ҳам перифразаларга ёндош ҳодисалар ҳисобланади. Перифраза термини ҳар қандай тушунча, фикр ва матн мазмунини ўз сўзи билан тасвирий ифодалаб беришга нисбатан ишлатилади. Улар алоҳида бир категория сифатида ўзига хос мезонларга эга бўлиб, улар шу мезонлар асосида ёндош ҳодисалардан фарқланади ва алоҳидалиқ касб этади.

II боб «Перифразаларнинг миллий этник хусусиятлари» деб номланган. Тилнинг мухташам хазинасида тасвирий ифодалар деб умумлаштириладиган муҳим бир қатлам борки, у халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, тегишли ҳудуднинг географик ва иқлим хусусиятлари, қисқаси, бутун халқнинг миллий этник жиҳатлари ҳақида ишончли маълумотлар беради. Нутқда перифрастик бирликларда миллийлик омилининг қай даражада ифодаланиши қуйидаги типларга ажратиш асосида таснифладик:

1. Қавм-сулолавий асосларга кўра типлар; 2. Маданий-эстетик даражаларга кўра типлар; 3. Этно-ҳудудий типлар; 4. Миллий ва диний эътиқодга оид кўринишлар.

«Қавм-сулолавий асосларга кўра типлар» деб номланган фаслда қавм ҳам, сулола ҳам қон-қариндошлиқ асосида бирлашиши ёки қон-қариндош бўлмаса-да, муайян фаолият, касб-кор, анъанани бажарувчилар, давом эттирувчилар сифатида муайянлашиши мумкин. Биз таҳлилга тортган ўзбек миллий перифразалари мисолида юқори табақали қавмлар, сулола вакиллари, шунингдек, оддий маҳаллий қавмлар нутқида фарқланишини кузатамиз.

Чунончи, шоирлар қавмига тегишли улуғ аждодларимиз – Ҳазрат Мир Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг номларига нисбатан қўлланилган «буюк аллома», «миллатимиз ғурури», «буюк ахлоқ отаси» каби перифрастик бирликлар турли даврларда пайдо бўлган ёки кенг истеъмолга кирган бўлса-да, уларнинг бизгача яшаб келаётганлиги фикримизни далиллайди. Шунингдек, манбаларда мир Алишер Навоийга нисбатан ишлатилган *жаҳоншумул тафаккур соҳиб*, *қомусий даҳо*, *турк тилининг ҳимоячиси* каби кўплаб перифразаларга дуч келамиз. Нутқимизда зарур пайтда ишлатиладиган соҳибқирон донишманд (Амир Темур), темурий шахзода (Бадиуззамон, Мўмин Мирзо ва бошқалар), шоҳ Ғозий, икки тарафлама улуғ (Ҳусайн Бойқаро); темурий аллома, беназир аллома (Мирзо Улуғбек); падаркуш шахзода (Абдуллатиф); тиббиёт илмининг султони, буюк ҳаким (Абу Али ибн Сино); шайхлар шайхи (Хожа Аҳрор Валий); улуғ донишманд (Сукрот) каби кўплаб шахс номлари билан боғлиқ тасвирий ифодалар ҳам қавм-сулолавий перифразалар таркибига киради. Саройдаги олий табақалилар, шунингдек, гарчи ўзи оддий маҳаллий қавм вакили бўлса-да, саройда хизмат қилаётганлар нутқида *ҳазрати олийлари*, *онҳазрат жаноблари*, *ҳазрат бегим*, *валиаҳд шахзода*, *садоқатли*

қулингиз каби мурожаат шаклидаги тасвирий ифодалар ишлатилади. Зеро, перифразалар ёрдамида нарса-ҳодиса киши тафаккурида янада хаёлий, кизиқарли ва жонли гавдаланади. Перифразадан фойдаланганда киши объект ёки ҳодисанинг тавсифига таниш бўлган характерловчи белгиларнинг бутун тўпламини қўшади.

«Маданий-эстетик даражаларга кўра типлар» деб номланган ушбу фаслда ўзбек тилида экспрессивлик-эмоционалликни юзага келтирувчи перифразаларнинг маданий-эстетик даражаларга кўра ифодаланишини изоҳлаш устида баҳс юритилади. Ҳиссий таъсирчанликка эга бўлган коннотатив перифразалар ядрони, хабар (ахборот) мазмунли номинатив перифразалар эса периферияни ташкил этади. Масалан, *Ўзбекистон* номининг перифразаларини (сўзловчи қайси томондан ёндашишига қараб) турлича тасвирлаш мумкин: иқтисодчи ёки сиёсий арбоб учун *Ўзбекистон – ноёб бойликлар макони*, санъат аҳли ёки филологлар учун *Ўзбекистон – Марказий Осиё марвариди*, тарихчилар, этнографлар учун *Ўзбекистон – дунё тамаддуни машъали* ва бошқалар (Қаранг: 2.1-расм).



2.1-расм. Перифразаларнинг ядро периферияда ифодаланиши

Ўзбек тилида қўлланиладиган тасвирий ифодалар ҳам серқирралик табиатига эга бўлиб, сўзловчининг муайян воқеликка қандай муносабат билдиришига кўра ёки ёзувчининг ўз асарида ифодалаётган образлар характерини очиб беришда ҳам ижобий, ҳам салбий, баъзан нейтрал маъноларни юзага чиқаради, шунингдек, нутқда ифодаланаётган перифраза нутқ эгасининг (ёки асар қаҳрамонининг) маданиятлилик белгиси, эстетик диди ёки тарбияланганлик даражасини кўрсатиб туради. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи²³дан олинган айрим мисоллар асосида далиллашга ҳаракат қиламиз. Асарнинг кишида нафрат уйғотувчи салбий қаҳрамони Ҳомиднинг ҳолатига нисбатан «муҳаббат» ёки «севги» сўзлари ўрнида *ҳунарларининг энг пачоғи, нафси тушқон* тасвирий ифодалари ишлатилган. Бу ифодаларда Ҳомиднинг чиркин хаёлли, ифлос қилмишли киши эканлиги уста Парфи (персонаж) тилидан айтилган жумлалар орқали яққол тасвирланган.

Бобнинг «Этно-худудий типлар» деб аталган учинчи фаслида этник ва худудий перифразалар ҳақида баҳс юритилади. Биламизки, ўзбек тили ўзининг сўзга бойлиги, қўлланиш доирасининг юқорилилиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу юқориликни таъминловчи услубий

²³ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. Рўмонлар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 656.

воситалардан бири ҳисобланган ҳудудий перифразалар бугунги кунга келиб жамият аҳлининг барча социал қатламлари доирасида сўзлашувчи шахслар нутқида услубий восита қуролига айланганлигига гувоҳ бўламиз. Асосан, бадий услубнинг компоненти ҳисобланган этник перифразалар бугунги давр талаби юзасидан ҳам публицистик, ҳам илмий, ҳам сўзлашув услубларининг бадий-эстетик, эффект берувчи, таъсир қилувчи асосий воситасига айланди. Перифразалар барча тил эгалари нутқида кенг қўлланилади. Ҳар бир қатлам ўз нутқида перифразалардан маълум даражада фойдаланади. Ўзбек тили перифразаларининг ўзи ҳам ҳудудий жиҳатдан фарқланишини кузатамиз. Масалан:

Эл Оқподшо қароргоҳилаб келгуничайин *олақароқ тун* бўлади (Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар, 6-б.)²⁴.

– Тақсир... Сиз тўпга тутажак даргоҳ масжид...

– Масжид бўлса нима бўпти?

– Масжид *Худои таоло даргоҳидур*, тақсир. *Худои таоло даргоҳидур* (Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар, 10-б.).

Директоримиз қоп-қора чигитни кўз-кўз этади.

– Пахта аслида мана бундай ичи қора бўлади! – дейди. – Пахта – *ичи қора мато!* Пахта одамзотни индамай боқлайди! У дунё-ю, бу дунё ўнгарилмас қилади! Бюрода ўртоқ Мавлонов ана шундай деди! (Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар, 33-б.)

Сурхондарё шеваси барқ уриб турган мазкур асарда Тоғай Мурод ўзига хос ҳудудий перифразалардан фойдаланганлигини кузатамиз. Жумладан, *Худои таоло даргоҳи* – масжид; *ичи қора мато* – пахта; Тошкент, Фарғона, Жиззах ҳудудларида яшовчилар нутқида *кун кўзгуси* (тонг), *кумуш пояндоз* (қор), *саховат момоси* (ёмғир), *тандир тафт* (иссиқ, жазирама), *бағри оташ мўжиза* (тандир); Хоразмда яшовчи аҳоли нутқида *оқ булоқ* (сигир), *қора тайлоқ* (шўх бола), *узумнинг суви* (чиройли), *йигит дўсти* (от) каби ҳудудий перифразалар қўлланилади.

Бобнинг сўнги фасли миллий ва диний эътиқодга оид кўринишлар мавзусига бағишланган. Перифразаларнинг бадийлик ва таъсирчанлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда сўз маъносининг турли усулларда кўчишидан ҳосил бўладиган турлари ҳам мавжуд эканлигини қуйидаги диний конфессионал перифрастик ифодаларда кўриш мумкин. Масалан, *мўмин киши* – мусулмон (метафора), *ҳадис илмининг султони* – Имом ал-Бухорий (метонимия), *ўлмас оят жарчиси* – муаззин (синекдоха) каби кўринишлар қаторини давом эттириш мумкин.

Мусулмон оламининг муқаддас китоби ҳисобланмиш «Қуръони Карим»²⁵ да ҳам перифразалардан кенг фойдаланилганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, яратувчи зот – Оллоҳ; парвардигорнинг қўшинлари – фаришталар (Нисо сураси, 2-оятда); ажрим куни – қиёмат; ҳидоят манбаи – Қуръон (Бақара сураси, 2-оятда); илоҳий китоб – Қуръон (Бақара сураси, 2-оятда); охираат диёри – жаннат (Бақара сураси, 94-оятда); қудрат ва ҳикмат эгаси – Оллоҳ (Бақара сураси, 228-оятда); Аллоҳнинг аркони – Қуръон (Оли Имрон

²⁴ www.ziyouz.com kutubxonasi Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 168.

²⁵ Қуръони Карим (Аловуддин Мансур таржимаси). – Тошкент, 2007. – Б. 628.

сураси, 103-оятда); равшан нур – Куръон (Нисо сураси, 174-оятда); халокат чоҳи – дўзах (Каҳф сурасида); парвардигорнинг элчиси – Жаброил (Каҳф сурасида); ҳасрат куни – қиёмат (Марям сурасида). Ислом динининг муқаддас китоби саналмиш «Қуръони Карим»да бу каби перифразалар билан ифодаланишлар кўплиги аниқланилди.

Сарҳадсиз илм, кенг жамоат аҳли, оддий китобхон, ўқувчилар оммаси нутқида тилимизнинг сермазмун ва гўзал ифодаси ўз аксини топиб, сайқаллашиб бораверади. Шундай экан, ҳар бир соҳа вакили хоҳ у журналист, хоҳ сиёсий шарҳловчи, хоҳ педагог, хоҳ деҳқон, хоҳ ҳуқуқшунос бўлсин, жамиятнинг барча вакили нутқида перифраза (тасвирий ифода)лардан самарали фойдаланиб келинаётганлиги бу бирликларнинг маълумотни таъсирчан, тез ва тасвирий ифодалашдаги ўрни бениҳоя катта эканлиги билан белгиланади.

III боб «Перифразаларнинг социал хусусиятлари» деб аталган бўлиб, унинг биринчи фасли перифразаларнинг ижтимоий касбий таснифга кўра турларига бағишланган.

Ўзбек тилидаги перифразалар барча тил эгалари нутқида кенг қўлланилишини, нутқни безовчи тасвирий восита сифатида ҳар бир қатлам ўз нутқида фойдаланадиган перифразалар алоҳидалик касб этишини инобатга олсак, перифразаларнинг социал хосланишини тадқиқ этиш ҳам муҳимлиги кўзга ташланади.

Кузатишларимиз асосида тилимиздаги перифразаларни ижтимоий-социал хусусиятларига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Перифразаларнинг ижтимоий касбий таснифга кўра турлари.

2. Перифразаларнинг гендер фарқланишга кўра турлари.

3. Перифразаларнинг ёшга нисбатан фарқланувчи турлари.

4. Перифразаларнинг ҳуқуқбузарлар ва ҳуқуқбузарликка қарши курашувчилар нутқидаги ифодаси.

Дунёда турли-туман касблар, бир-биридан турфа хунарлар борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос иш курулларидан, ўз касби, хунари моҳиятидан келиб чиқадиган атамаю профессионализмлардан, касб-хунарига моҳиятан боғлиқ тил ҳамда нутқ бирликларидан фойдаланади. Айтиш жоизки, ҳар бир соҳа вакилларининг, хунар эгаларининг, ўзига хос социал қатламларнинг нутқини «танитиб турувчи» терминлари, атамалари билан бирга перифразалари ҳам бўлади. Жумладан:

1. Деҳқонлар нутқи перифразалари;

2. Хунарсандлар нутқи перифразалари;

3. Чорвадорлар нутқи перифразалари;

4. Тиббиёт ходимлари нутқи перифразалари;

5. Педагоглар нутқи перифразалари;

6. Матбуотчилар нутқи перифразалари;

7. Диний соҳа вакиллари нутқи перифразалари;

8. Ижодкорлар нутқи перифразалари;

9. Қурувчилар нутқи перифразалари;

10. Олимлар нутқи перифразалари ва бошқалар.

Перифразаларнинг ижтимоий касбий таснифга кўра турлари хусусида мулоҳаза юритаётганда икки жиҳатни фарқлаб олиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Биринчиси – муайян социал объект ҳақида айтилган перифразалар ҳамда иккинчиси – ижтимоий касб, ҳунар, соҳа вакилларининг нутқида кенг ёки алоҳида қўлланилувчи перифразалар.

Дехқонлар нутқи перифразалари. Мазкур соҳа эгаларига, уларнинг фаолиятига, баъзан иш қуролларига, етиштираётган маҳсулотига нисбатан ранг-баранг перифразалар ишлатилишига гувоҳ бўламиз. Жумладан, дехқон сўзи ўрнида: *ризқ-рўзимиз бунёдкори, тирикликнинг мустаҳкам таянчи, замин билан тиллашган*; дехқончилик маҳсулотлари: *дала маликаси* (маккажўхори), *оқ олтин, ризқ-рўз, пешона тери, бизларга мерос* (пахта); дала ёки экин майдони: *ризқ-рўзимиз манбаи, битмас-туганмас манба, оқ олтин даласи, барака уруги онаси, дехқон хазинаси, дехқон тақдирдоши*; дехқончилик қуроллари ёки воситаларига нисбатан ишлатиладиган: *деҳқоннинг таянчи, дехқон қаноти* (деҳқончилик техникаси), *зангори кема* (пахта териш машинаси), *деҳқон мададкори* (комбайн), *барака дориси, заҳри қотил, дала оғуси* (бутифос) перифразалари, *ҳаётнинг бақувват устун, тирикликнинг мустаҳкам таянчи, замин билан тиллашган, далаларнинг садоқатли соҳиби, дала меҳнаткашлари* каби ўнлаб перифразалар қўлланиладигани, мазкур тасвирий ифодалар тингловчи/ўқувчини «деҳқон – шарафли ва айни пайтда машаққатли касб эгаси» деган хулосага олиб келади.

Ҳунармандлар нутқи перифразалари. Ҳунармандлик турлари қанчалар кўп ва хилма-хил бўлса, ҳунармандчилик, ҳунар кўринишлари, ҳунар маҳсулотлари ҳақида ва ҳунармандлар нутқида ишлатиладиган перифразалар ҳам шунчалик кўп ва ранг-барангдир. Масалан,

каштадўзликка оид: *Каштачилик санъати – халқимизнинг ўлмас қадрияти* (Интернет сарлавҳаси);

зардўзликка оид: *Зардўзлик – амалий санъатнинг зар (тилла ва кумуш суви юритилган)* ип, нозик сим, ипак билан кашта тикиб безак яратадиган соҳаси (<https://handicraftbman.uz>);

ошпазликка оид: – Бу таомларнинг сирини *ошхона султонидан* билиб оласиз, азизим, – деди қиз қувноқ оҳангда («Даракчи» газетасидан);

новвойликка оид перифразалар: Андижон шаҳридаги марказий «Корзинка» ёнида *покиза иш жойи* (новвойхона)га тандир устаси ва ҳамир устаси (новвой)ни ишга таклиф этамиз (Интернетдаги эълондан).

Турли ҳунарларга оид перифразалар:

Чорвадорлар нутқи перифразалари. Ҳар қандай тушунча, фикр ва матн мазмунини тасвирий ифодалашга хизмат қиладиган перифразалар чорвачиликка оид нутқда ҳам фаол қўлланилишига амин бўлдик. Йилқичилик, қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, қорақўлчилик, туячилик, қуёнчилик, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик каби чорвачилик тармоқлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларидан олинадиган гўшт, субпродукт, сут, тухум, тери, қорақўл тери, жун, балиқ, асал ва бошқалар чорвачилик маҳсулотларидир. Айтиш жоизки, уларнинг ҳар бири билан боғлиқ атама, касб-ҳунар сўзларидан ташқари *етти хазинанинг бири* (асалари), *рўзгорнинг оқ чашмаси* (сигир), *минг дарднинг шифоси* (асал),

рўзгорга барака (товук), *жаннатдан чиқарилган ҳайвон* (кўчқор), *яйлов султони* (чўпон), *чўл кемаси* (туя) каби тасвирий ифодалари ҳам мавжуд.

